

Танловга: Шукр килинг Аллох зиёда қилиди

15:47 / 19.04.2017 7295

Кимки инсонлардан келган яхшиликларга шукр қилмаса у Аллохдан келган яхшиликка ҳам шукр қилмаган булади.

Мумин –мусулмон киши хамиша ва ҳар вақт Аллох таоло унга инъом қилиб берган нематларига, ризқ қилиб берган ҳалолу пок емишларига шукр қилиб яшамоғи лозим. Аллохнинг берган ҳисобсиз нематларига шукр қилмоқлик ҳам Унга қилинган ибодат қабидир. Зеро мусулмон киши Аллохга шукр қилгандагина унинг ишлари олдинга сурилади. Шукр Аллох берган нематни унинг розилиғи йулида сарф этмоқликдир. Шукр қилган банди савобга эгадор булади. Аллох берган немат қадрини адо этади. Шукр қилгани сабабидан Аллох унга берган нематини янада зиёда қилади. Аксинча ношукрлик қилган банди гуноҳга ботади ва Аллох у бандасига берган нематини ношукрлиғи сабаб узиб қуяди. Ваҳолангки шукр банданинг узиғина фойда келтиради. Бу ҳақида Аллох таоло шундай марҳамат қилади. «Ва Роббинғиз «Қасамки, агар шукр қилсанғиз албатта, зиёда қилурман. Агар қуфр қелтирсанғиз ,албатта, азобим шиддатлидир»,деб эълон қилганини ҳам эсланг » (Иброҳим сураси, 7-оят) Аллох таолонинг биз ожиз бандаларига берган нематлари беҳисоб эканини барчамиз биламиз. Ҳар қанча шукр қилмайлик Унинг бизга инъом қилган бекиёс нематларини шукрини адо эта олмаймиз. Пайғамбаримиз с.а.в. «Икки немат бор инсонларнинг қуплари бундан беҳожат. Улар сихат саломатлик ва фаровонлик(хотиржамлик)дир » деганлар. Уламоларимиз; Дунёда уҳта энг азиз немат бор. Лекин бу уч нематдан факат иккитасигина бир кишида жам булади. Улар ҳузур-ҳаловат, сихат-саломатлик ва молу-дунё деганлар. Яратган Роббимга беҳисоб шукроналар булсинки, бугунги кунда. жаннатмакон юртимиз тинч, осойишта, тану жонимиз соғ-саломат, устимиз бут, ҳар бир юртдошимиз кунғида ҳузур ҳаловат мужассам. Бизларда Аллохнинг энг азиз нематлари тинчлик хотиржамлик сихат саломатлик бойлик барчаси мужассам. Аллохнинг ваъдаси ҳақ. Агар бизлар унинг берган нематларига шукр қилсак албатта зиёда қилади. Аллох таоло хамиша тинчлигимизни боқий сихат саломатлигимизни зиёда қилсин. Бизларни берган нематларига шукр қилғувчи шоқир хамиша зикр этғувчи зоқир бандаларидан қилиб ҳидоятда барқарор этсин.

**Андижон вилоят Хужабод туман «Еттичинор»
жоме масжиди имом хатиби М Косимов.**